



Кўкон хонлигининг сўнгги хукмфармоси Сайид Мухаммад Худоёрхон Шералихон ўглининг насаби султон Бобур ва хотини Сайидофок бегимдан тугилган Олтин Бешикхондан бошланганлиги айтилади. Бу насаб Султон Бобурнинг ота-боболари оркали буюк Соҳибкирон Амир Темур Кўрагонга бориб уланади.

Ўтмишдаги кўпгина ўзбек муаррихларнинг китобларида бу хусусда анчагина маълумотлар мавжуд. Масалан, Ниёзмухаммад ибн Авазмухаммаднинг «Тарихи Шохрукия», Мирзо Олим Мушрифнинг «Ансобу-с-салотин ва тавориху-л-хавокин» («Султонларнинг насаблари ва хоконларнинг тарихи»), Мухаммад Солих Тошкандийнинг «Тарихи жадидаи Тошканд» («Тошкентнинг янги тарихи»), Фозилбек Отабек ўглининг «Мукаммали тарихи Фаргона», Мухаммад Аминбек Худоёрхон ўглининг «Фаргона музофоти хонлари хусусидаги воқеотлар», рус тарихчиси Владимир Наливкиннинг «Краткая история Кокандского ханства» («Кўкон хонлигининг қисқача тарихи») асарлари шу жумлага киради.

Юқорида номлари зикр этилган муаррихлардан анча илгари яшаб ўтган баъзи нуфузли муаллифлар ҳам бу фикрни таъкидлаганлар. Масалан, Амир Умархон ўз девони дебодасида: «Бу ошўфта тасвирот рокими ва бу паршон абёт нозими андоқ баёни хол ва шархи мофилбол килурким, вужудим гулбуни Темур Кўрагон гулистонини шажарасини

самарасидур, асолат бўстонида иззат бахорининг обу хавоси тарбияти бирла бош чекиб, нашъу намо пайдо килди ва хилкатим ниҳоликим, Бобур Султон чаманининг навбодасидир (Амирий. Девон. Т., «Фан», 1972, 19-бет)» дея бу ҳақиқатни тарих учун нақшлаб қолдирган бўлса, Хоннинг тоғаси Раҳмонкули оталиқнинг кизи ва завжаи мухтарамаси Нодирабегим ҳам ўз газалларида бу фикрни такрорлаганини кўрамиз. Чунончи бир газалида у:

Саёдат хонадони шох Бобур насли покиман,
Худоё, раҳмат айла жумла авлоди изомимни,—

байтини битиб, ўз устози фикрларини давом эттирганлиги маълум (Пўлатжон Каюмов. Тазкираи Кайю-мий. Т., 1998, 150-бет).

Айни вақтда бу фикрларни рад этиб, «Олтин бешик» воқеасини ривоят деб ҳисобловчи тадқиқотчилар ҳам оз эмас. Биз эса «Олтин бешик»ни ривоят эмас, балки ҳақиқат, деб билувчилар тарафидамиз.

Шу вақтдан Умархон ва Нодирабегим гувоҳликларини ҳақиқатга яқин ҳисоблаб, Умархонни ҳам унинг амакиваччаси Худоёрхонни ҳам Амир Темур авлодларидан дея ҳисоблашга мойилмиз.

Худоёрхон уч марта — 1845, 1862, 1865 йилларда тахтга чикиб, умумий ҳисобда чорак аср чамаси хонлик қилиб, 1875 йил июль ойида сохта Пўлатхон ва унга қўшилган укаси Султон Муродбек, ўғиллари Насриддинхон, Мухаммад Аминбек, шунингдек, собиқ саркардалари Ийсо авлиё, Абдурахмон офтобачининг бирлашган қўшинлари ҳужумига тоб беролмай, Хўжандга жўнашга мажбур бўлади, орадан бир неча кун ўтгач, Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман чакириги билан Тошкентга келиб, ўша йилнинг 12 августида: «Петербургга, император ҳузурига борасан», деб алдаб, Россия ичкарисига жўнатиб юборилади. Императордан олинган махфий фармойиш асосида Оренбург генерал-губернатори Крижановский томонидан ўша шаҳарда мажбурий ушлаб қолинади ва икки йилдан зиёдрок хонабанд ҳолда сақланади. Худоёрхон узок муддат хуфий тайёргарликдан сўнг 1877 йил ноябрида Турдиали исмли харбий билан тил топишиб, унинг ёрдамида аввал Афғонистон, сўнг Эрон ҳудуди орқали ҳаж ниятида Маккага боради. Ҳаж зиёратидан сўнг Ирок, Хиндистон ва бошқа мамлакатларда бўлади. Хон ҳаётининг охириги ойлари ҳақида «Туркистон вилоятининг газети»да 1881 йил 15 мартда қуйидагича хабар босилади: «Илгари Хўқандда хон бўлгон Худоёрхон Бўмбай шахридан ёзгон мактубида зохир қиладурким, ўтган йилларда Ўрунбурхдин Маккага кетиб, касал бўлиб, ўзига муолажа қилмок учун Бўмбай шахрига келибдур. Аммо Ўрунбурхдин подшоҳ ҳазратларидин берухсат кетгани учун Маккадин қайтар маҳалда Худоёрхон улуг императори аъзам ҳазратларига маъруз айлаб, гуноҳин афв қилмокни илтимос қилгон экан. Энди эшитиладурки, Туркистон вилоятининг улуг генерал-губернатори Худоёрхондин маъафв айлаб, Ўрусия мамлакатига қайтмоқлари хусусида розилик берибдурлар».

Хоннинг пгундан кейинги қисмати ҳақида «Тарихи Мухйии Хўқандий» китобида бундай битилган: «Бўмбайдин яна Богдод тарафи билан дарё орқали бирмунча муддат Гавсул Аъзам ва Имоми Аъзам мазорларида чилла ўтириб, у ердан Илоҳ иродаси билан Эрон

йўлидан Кобул тарафга дарвеш либосида бир неча дарвешлар билан Хазор денгизига, ундан Ислон шайх Хиротий маскан тутган Каррух деган жойга келди... Хон Эронда эканидаёк амир Абдурахмонхон эшитиб қолиб, Хирот ҳокимига Кўкон хонининг барча буюмларини Хиротга олиб келиш ва у ердан икрому эхтиром билан Кобулга етказиш хусусида фармон беради. Бирок Каррухда хоннинг бетоблиги зўрайиб, Хиротдан келган сардор ва аскарбошилар билан учрашганда, уларга асло рўйхуш бермаган, уларнинг Хирот шахрига таклифларини қабул ҳам қилмаган. Каррухда хон бевафо дунё лаззатларидан воз кечиб, бу дунёдан кўз юмди. Мархум хон вафотидан сўнг Абдурахмон амри ила Каррух мавзеида хонга ниҳоятда яхши макбара қурилди, қорихона бино қилдириб, қўпдан-қўп ҳужралар солинди. Хон Хирот шайхулислими бўлмиш Эшон шаҳид Ислон шайх мазорига дафн этилди». Ўзбекистон Республикаси Давлат архивида сақланаётган ҳужжатларга кўра, Худоёрхон 1882 йил ёзида вафот этган.

Худоёрхон вафоти ҳақидаги қўплаб манбаларда у Маккада биллагига чиққан ёмон ярани Бўмбайда инглиз докторига операция қилдирган бўлса ҳам яра тузалмагани ва хоннинг ўлими ҳам шу яра оқибатида содир бўлгани қайд этилган. Сўнгги вақтда ЎзРМД архивида топилган материалларга, жумладан Худоёрхон билан ҳаж сафарида, ундан сўнг Каррухда бирга бўлган, хонни дафн этиш маросимида шахсан қатнашган хивалик савдогар Турдибойхўжа Ўтамишевнинг гувоҳлигича, хон Каррухга яқинлашган чоғда қаттиқ кўкрак оғриғи қасалига учраб, бир ой чамаси ётганидан сўнг шу дард туфайли вафот этади. (ЎзРМД архи-ви, ж.1., х. 4, иш 45, 35-саҳифа).

"Тарих Уммони сирлари" китобидан, Шариф Юсупов